

## **ЧИНГИЗХОН ИМПЕРИЯСИДА ЯСО ҚОНУНИНИНГ ЎРНИ**

**Қахрамон Усманович Умидуллаев**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси*

*Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,*

*Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Чингизхон империясида Ясо қонунининг ўрни таҳлил қилинган. Ясо қонунининг қабул қилишини, унда белгиланган нормалар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик, қўшин ва ҳарбий ҳаракатларни ташкил этиш қоидалари, никоҳ, оила, мерос ва мулкий муносабатлар ва бошқа масалалар ўрганилган. Мазкур қонунни ўрганган олимларнинг ишлари таҳлил қилинган. Чингизхон томонидан босиб олинган ҳудудларда Ясо қонунинг ўрганилиши билан боғлик ҳолатлар ҳақида фикр юритилган. Ўрганиш натижаларига асосланниб тегишли хуросалар қилинган.

**Калит сўзлар:** Чингизхон, Ясо, Империя, қабила, уруғ, жиноят, жазо, қўшин, тартиб, интизом, никоҳ, оила, мулк.

Манбаларда қайд этилишича XI-XII асрларда ҳозирги Мўғалистон ҳудудларида иқлим қулай келгани натижасида чорва ҳамда одамлар сони кўпайган. Бу даврда мўғуллар асосан чорвачилик қисман овчилик ва садо билан шуғулланган. XII аср охирларидан бошлаб иқлимининг ўзгариши, чора учун қулай яйловларга эгалик қилишга бўлган ўзаро уринишлар оқибатида уруғаймоқчилик муносабатларига асосланган мўғул қабилалари ва уруғлари ўртасида ўзаро ички низолар кучайган.

Ушбу низоларда Темучин дастлаб мўғул қабила ва уруғларини бирлаштириб, кейин қўшни давлатларга ғалабали юришлар қилиб, мамлакат ҳудудини кенгайтириб, ҳарбий ва иқтисодий имконияти яхшиланган. Нафақат мўғул қабилалари ўртасида балки минтақада обрў ва қудратга эга бўлган Темучиннинг 1206 йилнинг баҳорида Онон дарёсининг юқори қисмида турли қабила сардорлари, мўғул зодагонлари ўртасида ташкил этилган қурултойида Хон деб эълон қилингани ва “Чингизхон” яъни “Улуғ хон” унвонини олгани тарихдан маълум.

Қайд этилишича, Чингизхон 18 нафар истеъодли кишини таклиф қилди ва уларга барча субъектлар учун тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қиласиган қонун ишлаб чиқиши буюрди. Қонун ишлаб чиқилгандан сўнг, Чингизхон томонидан кўриб чиқиласди ва ўз фикрига мос деб билади ва қонун

тузувчиларни унвон ва мақтовлар билан мукофотлади<sup>1</sup>. 1206 йилда бўлиб ўтган Курултойда Ясо қонунлари расман қабул қилинди<sup>2</sup>. Натижада янги мўғул императорининг янги қонуни Ясо пайдо бўлди<sup>3</sup>.

Ф.Ф.Мухаметовнинг фикрига кўра, Ясо қонунлари кучга асосланган ҳокимиятга сўзсиз бўйсуниш эмас, балки ўзини ҳимоя қилиш учун кучга эга бўлиш мақсадида зарурат эди<sup>4</sup>. Е.Голубинскийнинг фикрига кўра, Ясо қонунларида мўғулларнинг ўзига хос хулқ-автори, энергияси, ишбилармонлиги ва фидойилиги мустаҳкамланган. Шунинг учун, мўғуллар ҳақиқатан ҳам унга хушхабар сифатида қарашган<sup>5</sup>.

Де Рачевиеснинг фикрига кўра, Ясо аниқ ишлаб чиқилган ҳуқуқий кодексни ифодаламаган, аксинча турли қоидалар, тўпламидан иборат бўлган. Кейинчалик айrim ўзгаришлар ва қўшимчалар бўлган. Вақт ўтиши билан мўғул империясининг бир неча мустақил қисмларга бўлиниши туфайли ясонинг аҳамияти пасайиб, маҳаллий ҳуқуқий анъаналар ҳал қилувчи рол ўйнган<sup>6</sup>. Ясо қонунларини ўрганган В.Василев ҳам Ясони яхлит қонунлар тўплами деб ҳисобламайди<sup>7</sup>.

Гарчи яхлит қонун деб бўлмаса-да йирик империяга асос солган Чингизхон давлатида Ясо қонунларининг ўзига хос ўрни бўлганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ясо қонунларининг асл нусхаси ҳам, тўлиқ таржимаси ҳам мавжуд эмас яъни ҳозирга қадар этиб келмаган.

Ясо қонунларини, мўғул, араб ва форс тарихчилари Ал-Мақриз, Вартан, Ибн Батута, Жувейни, Абул-Фараж, Рашид ад-Дина, Вассаф манбаларидан ўрганиш мумкин<sup>8</sup>. Шунингдек, Иля Березин<sup>9</sup>, Ердманн<sup>10</sup> Г.Хоурт<sup>11</sup> ва кейинчалик Европа тарихчилари томонидан ўрганилган.

Ўз давридаёқ Ясо қонуни кўплаб тилларига таржима қилинган. Чингизхон томонидан забт этилган бошқа давлатлагра унинг таржимасидан фойдаланилган.

Ясо қонунлари муғил қабила ва уругларининг урф-одатлари, анъаналари, удумлари ва қадриятлари асосида тузилган. Аммо айrim таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Ясода белгиланган давлат механизми ва ижтимоий тартиб Хитой

<sup>1</sup> Хара-даван Э. Чингисхан как полководец и его наследие. В кн.: Арабески истории. Пустыня Тартари. Вып. 2. М. 1995, с. 89, 90.

<sup>2</sup> Вернадский Г. В. О составе Великой Ясы Чингисхана. Брюссель. 1939, – С. 6-7.

<sup>3</sup> Вернадский Г. В. История России. Монголы и Русь. Пер. с англ. Е. П. Беренштейна, Б. Л. Губмана, О. В. Строгановой

<sup>4</sup> Мухаметов Ф. Ф. Ук. соч., с. 94, 95.

<sup>5</sup> Голубинский Е. Щит или меч? - Родина. 1997. N 3 - 4, с. 79.

<sup>6</sup> De Rachewiltz I. Some reflection on Činggis Qan's Yasay // East Asian History, Vol. 6, 1993. P. 91-104. (англ.)

<sup>7</sup> «Записки Восточного Отд. Императорского Археологического Общества» — 1889. — Т. IV. — С. 381.

<sup>8</sup> Hammer-Purgstall J. Geschichte des goldenen Horde (нем.) — Pest, 1840. — С. 184–192.

<sup>9</sup> Березин И. Н. Очерк внутреннего устройства улуса Джучиева // «Труды Восточного Отд. Императорского Археологического Общества» — СПб., 1864. — Ч. VIII.

<sup>10</sup> Erdmann Carl. «Temutschin» (нем.) — Leipzig, 1862.

<sup>11</sup> Henry Hoyle Howorth: History of the Mongols from the 9th to the 19th Century. (англ.) — Лондон, 1880.

моделига асосланган. Ясо қонунларида хоннинг вазифалари хусусан, ҳуқук ва мажбуриятлари ҳам белгиланган. Қайд этилишича Хон ўз бурчини лозим даражада бажармаса, уни ҳокимиятдан четлаштириш мумкин. Хон ҳам қонунга амал қилиши керак. Ф.Ф.Мухаметовнинг фикрига кўра, Хон Ясога амал қилиш борасида барчага намуна эди. Акс ҳолда мўғуллар унга ишонишдан бош тортишган бўлар эди<sup>12</sup>.

Яна бир манбада қайд этилишича XIII аср бошларида мўғул қабилалари жамиятда амалда бўлган турли нормаларига амал қилинган. Уларни бирлаштирадиган, барча учун умумий ҳуқуқий нормалар белгиланган қонун лозим эди. Ушбу эҳтиёж Чингизхоннинг Ясо қонунларини ишлаб чиқишга турки бўлди<sup>13</sup>.

Умуман олганда, Ясо қонунлари Чингизхоннинг мутлақ ҳукмдорлигини таъминлашга, қаттиқ интизом, кучли ҳарбийлашган мамлакат ташкил этишга хизмат қилган. Ясо қонунларини қуйидаги бешта бўлимга бўлиб ўрганишган.

- Ўлим билан жазоланадиган жиноятлар
- Уруш, унинг ўтказилиши ва ҳарбий тартиб
- Никоҳ ва оиланинг тузилиши
- Мақтовга лойиқ ишлар
- Турли тақиқлар.

Қайд этилишича Конунда осмон ва ерни, ҳаёт ва ўлимни, бойлик ва қашшоқликни ўзи хоҳлаганча яратадиган олий ҳокимиятга эга якка Худога ишониш буюрилган. Шунингдек бошқа динларни ҳам ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳеч бирига устунлик бермаслик буюрилган.

Конунда айrim касб эгаларига алоҳида имтиёзлар берилган. Мисол учун, ибодат хизматчилари, табиблар, олимлар, қонунчилар, тана юувчилар барча солиқлардан озод этилган. Бу ушбу касб билан шуғулланувчиларга эҳтиёж бўлганини англатади. Маълумки, ушбу касблар муайян билимни талаб қиласди. Асосан қўчиб юриб чорвалик билан шуғулланган халқнинг билими, тажрибаси ҳам шу билан боғлиқ бўлиши табиий хол. Қўшни ва узоқ давлатларга ҳарбий ҳаракатлар давомида юқоридаги каби касбларга эҳтиёж бўлганини тахмин қилиш қийин эмас.

Гарчи Чингизхон жаҳон тарихида кўплаб инсонларни ўлимга сабаб бўлган золим ҳукмдор сифатида кирган бўлса-да, ўзи бошчилигига қабул қилинган Ясо қонунларида ҳар қандай қабиланинг пок, бегуноҳ, солиҳ, саводли ва донишманларини улуғлаш ва ҳурмат қилиш лозимлиги белгилаб қўйилгани, айrim масалаларда инсоний муносабатлар ўрнатилганидан далолат беради.

<sup>12</sup> Мухаметов Ф. Ф. Звезды на степном небосклоне, с. 43.

<sup>13</sup> Более полная форма “ясак”, монгольское - дзасак, ѹосун. Означает “постановление”, “закон”. (Султанов Т. И. Поднятые на белой кошме. Потомки Чингиз-хана. Алматы. 2001, с. 29).

Аммо қайд этилишича қонунда империяга хос бўлган, хусусан муғил уругини улуғлашга қаратилган нормалар ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, Империя субъектларига мўғулларни қул ёки хизматкор сифатида қабул қилиш тақиқланган. Бу норма узоқ йиллар давомида бошқаларнинг муғил уруғига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, нафақат асосий давлат ва ҳарбий лавозимларга, нуфузга эга бўлган амалдор мўғуллар, балки оддий муғил ҳам ўзига хос мавқега эга бўлишини таъминлаган. Шунингдек, мўғулларга бўйсунадиган халқларнинг раҳбарларига фахрий унвон олиш ҳам тақиқланган, уларга фақат исми билан мурожаат мумкин бўлган. Забт этилган барча ҳудудларда аксарият масалаларда фақат мўғул уруғига устунлик берган.

Мўғул давлатининг құдратини таъминлаган ҳарбий масалаларда қаттиқ тартиб ўрнатилган. Деярли барча эркаклар ҳарбий хизматга мажбур бўлган. Урушда қатнашмайдиган барча эркаклар маълум вақт давомида империя учун бепул ишлаши керак бўлган.

Ҳарбий ҳаракатларнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида тартиб белгиланган. Мисол учун, босиб олинган ҳудудни Қўмондон рухсат бермагунча талон-тарож қилиш тақиқланган. Дастрас қўлга киритилган ўлжанинг Императорга тегишли қисми ажратиб олинган, сўнг шу жангда раҳбарлик қилиб, мувоффақиятга эришган қўмондон ва унинг аскарлари улуш олишга ҳақли бўлган. Қайд этилишича жангда қўлга киритилган мулқ қўйидагича тақсимланган. Армияга 3/5, шу жангга раҳбарлик қилган қўмондон ва императорга 1/5 фоиз миқдорида тақсимланган. Жангда қўлга киритилган мулкни шу тариқа тақсимилаши, ҳарбий мақсадларда давлат томонидан маблағ ажратилмаслиги, яъни қўшин ва аскарларнинг харажатлари тўлиқ жанг натижасига, қўлга киритилган мулкка боғлиқ қилиб қўйилгани, қўлга киритилган мулқда оддий аскардан тортиб қўшин бошлиғи ва Хонгача бўлган деярли барчанинг улуши борлиги ва бу аниқ белгилаб қўйилгани қайсиdir маънода Чингизхон ва унинг аримяси муваффақиятини таъминлаганини таҳмин қилиш мумкин. Қўшин бошлиғи ёки Шаҳзода рақиб тўлиқ мағлуб ёки таслим бўлмагунча ўзбошимчалик билан сулҳ тузиш тақиқланган.

Қўшин учун давлат хазинасидан маблағ ажратиш назарда тутилмаган, ҳар бир жангчи ўз овқати, қуроли, зарур буюм ва анжомлари учун ўзи қайғуриши керак. Тирикчилик манбаи уришиб қўлга киритиладиган ўлжага боғлиқ қилиб қўйилган. Мисол учун Хитойни эгалланиши катта бойлиқ, жанг асбоблари Чингизхон ва унинг армиясини янги ўлкаларга босқинчилик юришга бўлган қизиқишиларини янада ошишига сабаб бўлди.

Қўшинни жангвар шай ҳолатда ушлаб туриш учун қиши ойларида овлар ҳам ташкил этиб турилган. Аммо мартдан октябргача кийик ва бошқа ҳайвонларнинг эркагини, шунингдек қуён, ёввойи эшак ва қушларни ўлдириш тақиқланган.

Умуман олганда қаттиқ ҳарбий интизом ўрнатилган. Ўз вазифасини бажара олмаган ёки Хон чақириувиға кела олмаган зобитлар ва бошлиқлар ўлимга ҳукм этилган. Агар уларнинг жинояти унчалик жиддий бўлмаса, бу ҳақида хонга шахсан хабар берилиши керак бўлган.

Жанг вақтида ёки орқага чекиниш вақтида бирор аскарнинг қурол аслаҳалари тушиб қолса унинг орқасида келаётган жангчи ушбу қурол аслаҳаларини ўзи олиши ва эгасига қайтариши шарт бўлган. Тушиб қолган қуролни олмаган ёки эгасига қайтармаган аскар ҳам қатл этилган. Қуролдош ўртоғига ёрдам бермаслик энг оғир жиноятга тенглаштирилган. Жангчиларнинг бир бирига ёрдам бермаслиги энг оғир жиноятлардан ҳисобланган. Оғир жиноятлар учун жазо ўлим, кичик жиноятлар учун жисмоний жазо ёки узоқ жойларга сургун қилинган<sup>14</sup>.

Деярли бошқа барча қонунлар сингари Ясо қонунларида ҳам зинога оғир жиноят сифатида қаралган. Зинода айбли деб топилган ҳар бир киши ўлим билан жазоланган<sup>15</sup>. Зино айборлари жиноят содир этилган жойда ўлдирилиши мумкин бўлган.

Агар иккита оила никоҳ орқали бирлашиши хоҳласа, уларнинг ёш болалари бўлса, болалардан бири ўғил, иккинчиси қиз бўлса, бу никоҳга рухсат берилган. Болалар вафот этган тақдирда, никоҳ шартномаси ўз кучида қолган. Никоҳ тўғрисидаги қонунда ҳар бир эркак уйланиши шарт бўлган. Биринчи ва иккинчи даражали қариндошлар ўртасида никоҳ тақиқланган. Эркак иккита опасингилга уйланиши ва бир нечта канизаклари бўлиши мумкин. Аёллар оила молмулкига ғамхўрлик қилишлари, ўzlари хоҳлаган тарзда харид қилишлари, савдо қилишлари мумкин. Эркаклар фақат ов ва уруш билан шуғулланишлари керак. Қуллардан туғилган болалар бошқа хотинлардан туғилган болалар билан teng. Биринчи никоҳдан туғилган ёки канизакдан туғилган фарзанд мерос олиши мумкин. Аммо айрим манбаларда биринчи никоҳдан туғилган болаларга кейинги никоҳлардан туғилган болаларга қараганда мерос масаласида устунлик берилган. Аммо Ясо қонунларининг асл нусхаси ҳозирга қадар етиб келмагани бу масалада айнан қандай тартиб ўрнатилганини аниқ айтиш мушкул.

Кичик ўғил отанинг уйини мерос қилиб олади. Марҳумнинг қонуний меросхўрларидан бошқалар унинг мулкига эгалик қилиши ёки фойдаланиш тақиқланади. Меросхўрлар бўлмаган тақдирда, мулк марҳумга ғамхўрлик қилган кишига ўтказилади. Ҳеч қандай ҳолатда марҳумнинг моллари хазинага олинмайди.

Ясо қонунларида жазолар анча шафқатсиз белгиланган бўлса-да, айрим нормаларниadolатли дейиш мумкин. Мисол учун, заруратсиз ерга қон тўкиш

<sup>14</sup> Гумилев Л.Н. Древняя Русь и Великая степь. п. 131. Закон против обычая

<sup>15</sup> Хара-Даван Э. Ук. соч., с. 99.

(ҳатто уй ҳайвонлари) тақиқланган. Шунингдек, сув ҳавзаларида кийим ювиш, сийиш ёки уларни бошқача тарзда ифлослантириш тақиқланган.

Аммо ўғрилик учун жазо қаттиқ бўлган. Мисол учун, от, хўқиз ёки бошқа шунга ўхшаш мулк ўғрилиги учун қатл қилиниб жасадни иккига бўлиш белгиланган. Камроқ ўғирлик учун, ўғирликнинг қийматига кўра жазоланган. Мисол учун, таёқ зарбалари сонини 7, 17, 27 ва 700 гача этиб белгиланган. Ўғирланган нарсанинг тўққиз баравар қийматини тўлаш орқали жисмоний жазодан қутулиш мумкин бўлган.

Ким ўғирланган отни ўзлаштиrsa, уни ўнта бир хил от қўшилган ҳолда эгасига қайтариши шарт. Агар бу жаримани тўлай олмаса, отлар ўрнига фарзандини бериши керак, агар фарзанди бўлмаса, уни қўй каби сўйиш белгиланган. Кўрқоқ, ёлғончи, зинокор (у турмушга қурганми ёки йўқми), ўғри, қароқчи, сохта гувоҳ, жосус, хоин, сеҳргарлар ҳам ўлимга хукм қилинган.

Ўлим жазоси тайинланган аммо қочиб кетган қулларга бошпана, озиқовқат ва кийим-кечак бериш тақиқланган. Худди шу жазо қочиб кетган қул ёки асирга олинган билан учрашиб, уни хўжайнинга олиб келмаган ҳар бир кишига тегишли бўлган. Аммо фақат ҳарбий асири ва унинг оила аъзолари қул бўлиши мумкин.

Жазони бошқасига алмаштирища тулича ёндашувлар бўлган. Масалан қотиллик (қатл) учун мусулмон қирқ олтин танга жарима тўлаш орқали, хитойлик эса битта эшак тўлаши керак бўлган.

Жиноятчи зодагонлиги, ёши мартабадан қатъий назар жазоланиши керак. Бирор бир амалдор қонунбузарлик қилганида уни олиб келиш ёки жазолаш учун император унинг олдига хизматкорни юборса ҳам жиноятчи унга бўйсуниши керак. Зодагонлиги, ёши ёки унвон баҳонасида жазодан қочишга уриниш учун ўлим билан жазоланган.

Барча фуқаролар хон хазинасини қўллаб-қувватлаши керак, унга от, қўй, сут, жун ва молларини бериши керак. Ҳар кимдан умумий иш учун молмукининг ўндан биридан кўпроғини талаб қилиш тақиқланган. Шунингдек, Ясо қонунларида ҳарбий, оила, никоҳ, мулк ташқари масалаларни тартибга солишга қаратилган нормалар мавжуд бўлган. Мисол учун, истеъмол учун ҳайвонни бўйнидан (бўғизидан) сўйиш (мусулмонлар каби) тақиқланган. Ҳайвонни боғлаб, кўкрагини кесиб қўллари билан юрагини олиб ташлаш керак. Шунда ҳайвоннинг гўштини ейиш мумкин. Илгари тақиқланган бўлса-да, ҳайвон қонини ичиш ва ичакларини истеъмол қилишга рухсат берилган.

Ёлғиз овқатланиш, яқин атрофдагиларга овқат таклиф қилмасдан овқатланиш, умумий овқатланиш пайтида бошқалардан кўра кўпроқ овқатланиш

мумкин бўлмаган<sup>16</sup>. Бизнингча бу асосан ҳарбий юришлар вақтида амалда бўлган норма бўлиши мумкин.

Қайд этилишича Ясо қонунларининг асосий қўриқчиларидан бири бўлган Чигатой мусулмон халқи учун чидаб бўлмас фармонлар чиқарган. Масалан, гўшт учун мол сўймаслик, кундузи оқар сувга кирмаслик ва ҳоказо. Барча худудларга қўй сўймаслик тўғрисида фармон юборган. Хурросонда узоқ вақт давомида ҳеч ким қўйларни очиқ сўймаган. Қайд этилишича ҳатто у мусулмонларни ўлаксани ейишга мажбур қилган<sup>17</sup>. Аммо бунга ишониш қийин.

Чингизхон фармонларига риоя қилиш нафақат империянинг барча аҳолиси, балки хонларнинг ўзлари учун ҳам мажбурий эди. Аммо ҳар қандай Қонун сингари Ясо ҳам империя аҳолиси томонидан ҳам, чингизийларнинг ўзлари томонидан ҳам бузилган. Бу қисман Ясо фақат кўчманчи ҳаёт нормаларини тартибга солганлиги ҳам билан боғлиқ. Шунинг учун мўғуллар томонидан босиб олинган кўпгина мамлакатларда, хусусан, ҳукуқий анъана мавжуд бўлган Ўрта Осиё ва Эрон аҳолини янги қонунга бўйсундириш жуда қийин бўлган. Асосан кўчманчилар учун ишлаб чиқилган мўғулларнинг ҳукуқий тизими бошқа шароитларда ноқулай эди. Айниқса бошқа худудларда Ясо ижтимоий ҳаётнинг кўп жиҳатлари тартибга солишга имкон бермас, баъзи қоидалари мусулмон қонунлари ва маҳаллий аҳолининг урф-одатларига зид эди. Шу сабабли Ясо қўриқчилари ва маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашувлар бўлиб турган. Бу қоида тариқасида, иккинчиси учун фожиага айланган.

Ҳар қандай ҳукуқбузарлик, ҳатто оддий одамларнинг бепарволигини жиноят даражасига кўтарган ва ўлим жазосига қадар оғир жазони назарда тутилган Ясо мўғул империясининг тарихчиси Rashid Ал-Дин томонидан ҳам “ўта қаттиқ” деб тан олинган. В. А.Рязановскийнинг қайд этилишича, руслар мўғул жиноят қонуни билан танишиб, баъзи тамойилларини қабул қилишган. Ҳатто мўғулларнинг Россияга таъсирини камайтирган Владимирский-Буданов ҳам ўлим ва жисмоний жазони мўғуллар таъсири остида Москови қонунига киритилганигини тан олган<sup>18</sup>.

Яна бир манбада қайд этилишича “Ясога қатъий риоя қилиш мўғул жамиятининг юқори қатламларидан, биринчи навбатда чингизийлардан ҳам талаб қилинган. Чингизхоннинг ўзи бунга алоҳида эътибор қаратган. “Агар бизнинг доирамиздан кимдир Ясони бир марта бузса, унга оғзаки тушунтириш керак. Агар у буни икки марта бузса, қонунга биноан жазолансин ва учинчи марта Балжин-Кулжурнинг чекка ҳудудига юборилсин. У ердан қайтиб

<sup>16</sup> Гумилев Л. Н. Древняя Русь и Великая степь, с. 304.

<sup>17</sup> The Tarikh - 1 - Jahan - gusha of Alaud - Din Ata Malik - i Juwaini... Edited by Mirza Muhammad idn Abdul - Wahhab - I - Qazwini. P. 1 - 2. Leyden - London. 1912 - 1916, с 227.

<sup>18</sup> Рязановский В. А. К вопросу о влиянии монгольской культуры и монгольского права на русскую культуру и право. - Вопросы истории. 1993. N7, с. 158.

келганидан сўнг, у тарбияланади. Агар у тарбияланмаган бўлса, қамалади. Агар у у ердан тарбияланиб чиқса яхши, акс ҳолда унинг барча яқин ва узоқ қариндошларини йиғиб маслаҳат беринг ва у билан қандай муносабатда бўлишни ҳал қилинг”<sup>19</sup>. Аммо юқорида кўриб чиқилган манбаларга, аксарият таҳлилчиларнинг фикрига қараганда ҳуқуқбузар ва жиноятчига бу каби “юмшоқ” муносабатда бўлинганига ишониш қийин.

Бироқ, истиснолар мавжуд эди. Чингизхоннинг ўзи ва унинг ворислари увон ва мукофотлар олган ҳарбий зодагонлар Хон ва давлат олдидаги хизматлари учун алоҳида имтиёзларга эга эдилар. Бундай одамларни Тархонлар деб аташган. Жувайнининг сўзларига кўра, тархонлар барча солиқлардан озод қилинган; урушда ёки овда қўлга киритган барча ўлжалари уларнинг тўлиқ мулки эди; исталган вақтда улар саройга ҳеч қандай рухсатисиз киришлари мумкин эди; содир этган факат тўққизинчи жинояти учун жавобгарликка тортилган (аммо бу фақат ўлим жазосини олган жиноятларни англатарди); байрам пайтида тархонлар шарафли жойларни эгаллашган<sup>20</sup>. Биринчи қурултойдаёқ бир неча киши ана шундай увонга эга бўлган.

Л. Н.Гумилевнинг қайд этишича, бундай жанговар ва хилма-хил жамиятда ҳақиқий куч талаб қиласиган қатъий тартибни сақлаш керак эди. Шу мақсадда Чингизхон ҳарбийлашган мажбурлов аппаратини ташкил этди. Чингизхон томонидан ташкил этилган бошқарувни на аристократия, на олигархия на демократия деб баҳо мумкин эмас. Жанг вақтида қўлга олинган жасур рақибларга нафақат раҳм-шафқат қилинган, балки унга кўтарилиш ҳуқуқи билан мўғул армияси сафига қабул қилиш таклиф қилинган. Хоинлар ва элчини ўлдирганлар қариндошлари билан бирга шафқатсизларча йўқ қилинган. Чунки улар хиёнат билан шуғулланадиган одамлар яшамасликлари ва авлод қолдирмасликлари керак деб ҳисоблашган. Чунки мўғуллар жамоавий жавобгарликни ва ирсий хусусиятларнинг мавжудлигини тан олишган<sup>21</sup>.

Аммо вақт ўтиши билан империянинг ғарбий улусларидаги Чингизийлар ва ҳарбий кўчманчи зодагонлар Ислом анъаналарини ва унинг давлат асосларини тобора кўпроқ қабул қилишлари натижасида, аста секин Ясо қонунларининг аҳамият пасайган. Асосан кўчманчи мўғул одат ҳуқуқлари ва ананаларга асосланган мазкур қонун ўтроқ аҳолининг турмуш тарзига мос келмас эди. Шу сабабли кейинчалик ўтроқлашган мўғул улусларида, хусусан Чигатой ва Жўжи улусида Ясо қонунлари ўрнига Ислом қоидалари амал қила бошлаган<sup>22</sup>.

<sup>19</sup> Рашид Ад-дин. Сб. летописей. В 3-х т. М.; Л., 1946 - 1960. Т. 1. Кн. 2, с. 263, 264.

<sup>20</sup> The Tarikh - I - Jahan - gusha of Alaud - Din Ata Malik - i Juwaini..., с 27.

<sup>21</sup> Гумилев Л. Н. В поисках вымышленного царства, с. 251, 252.

<sup>22</sup> Султанов Т. И. Ук. соч., с. 32.

Чингизхон давлтининг парчаланиши ва Қозон, Крим, Астрахан, Сибир, Нўғай ва қозоқ татарларига этник бўлиниш натижасида деярли барчаси ота - боболарининг урф-одатларига қайтишди, баъзи ҳолларда республика тузумини ёки қабила иттифоқларини тикладилар<sup>23</sup>.

Темурийлар давлатида Ясонинг аҳамияти анча камайган, Ҳарбий ишларни ташкил этишда мўғуллар амал қилган айрим усуллар сақланган бўлиши мумкин. Босиб олинган бошқа ҳудудлар каби Марказий Осиё ҳудуди маълум муддат Чингизхон томонидан қабул қилинган қонунга амал қилишга мажбур этилгани шубҳасиз. Аммо бу даврда ҳам кўплаб ислом уламолари яшагани ва ислом динига оид асарлар ёзилгани ота-боболари эътиқод қилиб келган ислом ананаларига амал қилинганини аглатади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ясо қонунлари Чингизхон давлатчилигини ташкил этишида ўзига хос ўринга эга бўлган. Қонунда мўғул уруғи ва айрим табақаларнинг манфаати устун қўйилган бўлса-да, диний масалаларида бағрикенглик руҳонийларга, оқсоқолларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, табиатни асрараш борасида нормалар мавжудлиги маълум маънода ушбу қонунинг ижобий томонлари ҳам кўрсатади.

Умуман олганда, қонун давлат ишларини, хусусан, солик, ҳарбий, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда муҳим рол ўйнаган. Темир интизом, қаттиққўл бошқарув, тез уюшадиган ва жанговар қўшин қўшни ва узоқ давлатлари тез эгаллашга имкон берган. Аммо қонуннинг асл нусхасининг ҳозирга қадар етиб келмагани ёки топилмагани ушбу қонун борасида аниқ фикр айтиш мушкуллигини ҳам англатади. Қонуннинг бир бирига боғлиқ бўлмаган аммо бир хил таҳлил этилган нормаларини маълум маънода амалда бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:**

1. Хара-даван Э. Чингисхан как полководец и его наследие. В кн.: Арабески истории. Пустыня Тартари. Вып. 2. М. 1995, с. 89, 90.
2. Вернадский Г. В. О составе Великой Ясы Чингисхана. Брюссель. 1939, – С. 6-7.
3. Вернадский Г. В. История России. Монголы и Русь. Пер. с англ. Е. П. Беренштейна, Б. Л. Губмана, О. В. Строгановой
4. Мухаметов Ф. Ф. Ук. соч., с. 94, 95.
5. Голубинский Е. Щит или меч? - Родина. 1997. N 3 - 4, с. 79.
6. De Rachewiltz I. Some reflection on Činggis Qan's Yasay // East Asian History, Vol. 6, 1993. P. 91-104. (англ.)

<sup>23</sup> Мухаметов Ф. Ф. Звезды на степном небосклоне, с. 44.

7. «Записки Восточного Отд. Императорского Археологического Общества» — 1889. — Т. IV. — С. 381.
8. Hammer-Purgstall J. Geschichte des goldenen Horde (нем.) — Pest, 1840. — С. 184–192.
9. Березин И. Н. Очерк внутреннего устройства улуса Джучиева // «Труды Восточного Отд. Императорского Археологического Общества» — СПб., 1864. — Ч. VIII.
10. Erdmann Carl. «Temutschin» (нем.) — Leipzig, 1862.
11. Henry Hoyle Howorth: History of the Mongols from the 9th to the 19th Century. (англ.) — Лондон, 1880.
12. Мухаметов Ф. Ф. Звезды на степном небосклоне, с. 43.
13. Более полная форма “ясак”, монгольское - дзасак, йосун. Означает “постановление”, “закон”. (Султанов Т. И. Поднятые на белой кошме. Потомки Чингиз-хана. Алматы. 2001, с. 29).
14. Гумилев Л.Н. Древняя Русь и Великая степь. п. 131. Закон против обычая
15. Хара-Даван Э. Ук. соч., с. 99.
16. Гумилев Л. Н. Древняя Русь и Великая степь, с. 304.
17. The Tarikh - 1 - Jahan - gusha of Alaud - Din Ata Malik - i Juwaini... Edited by Mirza Muhammad idn Abdul - Wahhab - I - Qazwini. P. 1 - 2. Leyden - London. 1912 - 1916, с 227.
18. Рязановский В. А. К вопросу о влиянии монгольской культуры и монгольского права на русскую культуру и право. - Вопросы истории. 1993. N7, с. 158.
19. Рашид Ад-дин. Сб. летописей. В 3-х т. М.; Л., 1946 - 1960. Т. 1. Кн. 2, с. 263, 264.
20. The Tarikh - I - Jahan - gusha of Alaud - Din Ata Malik - i Juwaini..., с 27.
21. Гумилев Л. Н. В поисках вымышленного царства, с. 251, 252.
22. Султанов Т. И. Ук. соч., с. 32.
23. Мухаметов Ф. Ф. Звезды на степном небосклоне, с. 44.